



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 28 январь, чоршанба

№8 (11.603)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз оғи ва тафаккурда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастури тасдиқлансин.
2. Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:
 - давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳимойлик ёрдамларини кам таъминланган оилалар, ногиронларни, бokuвчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;
 - жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини

чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида, тегишли идоралар ва ташкилотларни жалб этган

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 январь.

БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Хабар қилинганидек, Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳимойлик кенгашининг навбатдаги мажлисида мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари,

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Куйида ушбу кенгаш йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

Дастлаб 2003 йил 4 июнь кuni ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳимойлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши юзасидан болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азиевнинг Болалар спортини

ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилги бюджет ижроси ва 2004 йил бюджет лойиҳаси тўғрисида, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев ва Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидовнинг

мазкур вилоятларда болалар спортини иншоотларининг барпо этиш дастурининг бажарилишига оид ахборотлари маълумот учун қабул қилинди. Мажлисида 2003 йилга мўлжалланган иш режаси асосида ўтган йил давомида режадаги 85 та ўрнига 130 та спорт иншооти қурилиши ва таъмирланиши бошланиб, шундан 105 таси фойдаланишга топширилгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Мулқгор



РИСКИАЛИ ФЕРМЕР

Фалла, сабзавот, чорва, бог... Буларни эплаб парвариш қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо, қибрайлик Рискнали Зиёвуддинов ана шу тармоқларни баравар ривожлантириб, миллионлаб даромад олмоқда



Яхши фермер бўлиш учун уста деҳқонликнинг ўзи кифоя қилмас экан. Рискнали Зиёвуддинов бунинг машаққатини ўз бошидан кечирди. У деҳқончиликдаги тажрибасига таяниб, 1992 йилдаёқ мустақил фермер хўжалигини ташкил этган эди. Бироқ 3 гектар ерда бошлаган деҳқончилиги ҳадеганда юриша қолмади. 1996 йилгача ҳар мавсум елиб-югуриб, куйиб-пишиб меҳнат қилсада, қўли ёлғиз даромад кўрмади. Аммо, у машаққатли меҳнат билан ўтган ўша тўрт йиллик умрдан норози бўлмади: бу йилларнинг кўзини пишитди, мустақил фермерликнинг ўзини яраша сир-асорларидан воқиф этди, ҳар бир ишни ўз вақтида тадбиркорлик билан бажаришга ўргатди. Натижада, 1996 йилдан бошлаб, даромадга ҳам барака кириб борди.

— Фақат 2000 йилга келиб, ўзимни эркин ва мустақил фермер сифатида ҳис қилдим, — дейди Р. Зиёвуддинов. — Экин майдонимиз 17,4 гектарга етди. 9 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, ўзимизнинг техника базамизни яратдик. Т-75 занжирли хайдов трактори, Т-25 тир-камали трактор, юк машинаси, чорва учун пресс тай-ёрлайдиган механизм, ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган барча мосламаларга эга бўлдик.

Ўтган йили 10 гектар ерга бугдой экиб, давлатга шартнома бўйича 19 тонна дон топширди, ўзига эса, 26 тонна қолди. Бундан ташқари, банкдан 2 миллион сўм кредит олиб, чорвачиликни йўлга қўйган эди. 2003 йил давомида 1400 килограмм гўшт сотди. Кредитдан шартномадаги уч йил ўрнига 6 ойда қутулди. Ҳозир бугйда 5 та новвос, 3 та сигир, 5 та оти бор.

Фермер республика ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтини олимлари билан ҳамкорлик қилиб, озуқа базасини ҳам мустаҳкамлаб бормоқда. Чунотини, олимларнинг маслаҳати билан топинамбир (ер ноки), батат (ширин картошка) ва сорго (шакарқамишга ўхшаш озуқа ўсимлиги) экиб, молларни тўйимли рацион асосида боқмоқда. Бу озуқа турлари ситир сутини ўртача 40 фоизга кўпайтиради. Фермернинг ҳар бир сигири кунига 20 литрдан ошириб сут бераётганлигининг боиси шунда.

2002 йилда фермер хўжалиги 2 миллион сўм даромад олган бўлса, ўтган йили 4 миллион сўмга етди. Бу йил эса, янада кўпайиши кўтилмоқда. Чунки, янги барпо этган уч гектарли боғи бу йил тўла ҳосилга кирди. Фермернинг айтишига қараганда, қамида 15 тонна мева (асосан шафтоли) етиштирилади.

Абдусамал ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТЛАРДА: Р. Зиёвуддинов неваралари билан; (тастада, чапдан ўнгга) ҳисобчи Нуржон Шимбоев, фермер Рискнали Зиёвуддинов ва туман деҳқон-фермер хўжаликларини уюшмаси вакилиги ҳуқуқшуноси Тағат Турлибеков бугдой ривожини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган
суратлар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги асосий мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармоиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастури тайёрлаш бўйича республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Қариёларни қадрлаш йили» ва «Обод маҳалла йили» дастурларининг мантиқий давомидир. Унинг асосий маъно-мазмунини халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабати ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат. Дастур устувор масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади: аҳолининг ижтимоий

муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

ногиронларга, қаровчисиз қолган ва бokuвчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш;

давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолиятини ва масъулиятини кучайтириш;

оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни меҳрибонлик ва мурувват руҳида тарбиялаш.

Меҳр ва мурувват деган улуг тушунчаларнинг теран маъносини кенг тушунириш, юртимиздаги ҳар қайси хонадон, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, оилани, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли аъёна ва урф-одатларимизни тарғиб этиш вазифаси ҳам дастурнинг мақсадида қиради.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида: умумтаълим мактабларининг 616,5 минг нафар 1-синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроли билан таъминлаш, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик»

уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг 2-9 синф ўқувчи-фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдиришга ажратиётган маблағларни 1,5 баробар кўпайтириш;

соғломлаштириш оромгоҳларида 170 минг нафар бола, шу жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бепул дам олишини таъминлаш; кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бюджет ҳисобидан қишқи кийим-бош билан бепул таъминлашни кучайтириш мақсадида ажратиётган маблағлар миқдорини 1,2 мартага кўпайтириш;

республикадаги 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатлар биноларини, 46 та «Мурувват» ва «Саховат» уйлари ҳамда ижтимоий таъминот муассасаларини капитал таъмирдан чиқариш;

санаторийлар, шифохоналарда 32 минг нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини тиклаш; чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш сингари қатор амалий тадбирлар белгиланган.

Дастурни амалга оши-

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

САХОВАТ МАРАФОНИ

Юқориқичик тумани «Янгибозор» маданият уювида ногиронларни қўллаб-қувватлаш ва уларга меҳр-мурувват кўрсатишга бағишланган марафон ташкил этилди.

Унда ширкат ва фермер хўжаликлар, корхона ва ташкилотларнинг юздан ортиқ раҳбарлари иштирок этишди. «Гулистон», «Ўзбекистон», Охунбоев номи, «Туркистон» ширкат хўжаликларини, «Янгибозор» савдо унитар корхонаси жамоалари марафонда фаол қатнашиб, Меҳр-мурувват йили арафасида ногиронлар турмушини яхшилашга қаратилган катта саховат кўрсатишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлари маслаҳат кенгаши аъзолари жойларда «Тўғри бўлсанг, унарсан!» мазмунда учрашувлар ўтказаяпти.

Бўстонлик туман ИИБнинг шахсий таркиби иштирокида ўтган шундай тадбирда истеъфодаги милиция генерал-майорлари Жўра Аъзамов, Учкун Сиддиқов ва бошқалар шафтли касб эгаларига қонунчиликка амал қилиш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш борасида қимматли маслаҳатлар бердилар.

Ғаниев АЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўтамыз: бизнинг индекс - 205.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари

Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясини чақириш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан қарор қиланм:

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессияси 2004 йил 29 январь кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими **У. МИРЗАКУЛОВ.**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 январь.

БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўтган йил 12,2 миллион АҚШ доллари жамгарма ҳисоб рақамига туширилган, бундан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан 22,5 миллион доллар сўмдан ортиқ ҳажмда қурилиш, қайта таъмирлаш ишлари ҳамда хизматлар бажарилгани кўрсатиб ўтилди. Республикада спорт турлари бўйича 2,8 мингта спорт секцияси ташкил этилиб, уларга 85 мингдан ортиқ бола жалб қилинди.

2003 йилда Хоразм вилоятида «Умид ниҳоллари» ва Андижон вилоятида «Баркамол авлод» ўйинлари юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу, ўз навбатида, болалар спортининг янада оммавийлашуви ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпаниясида «Спорт» телеканали 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб мунтазам фаолият кўрсата бошлади. Жаҳон андозлари даражасида ишлаб чиқилган спорт кийимлари ҳамда спорт пойабзаллари намуналарининг доимий ҳаракатдаги ярмарка-кўргазмалари ташкил этилди.

Шунингдек, мажлисда ҳомийлик кенгаши томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси бюджетининг даромад қисми 3,1 миллиард сўмга бажарилмаган. Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий жамгармалари бюджетларининг даромад қисми бажарилмагани, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Жизжаз ва Фарғона вилоятларида қурилиш ишлари кеч бошланганлиги тўғрисида маълум қилиш мумкин. Қўшқорлардан 6 таси фойдаланишга топширилмагани қайд этилди.

Болалар спортини ривожлантиришни ташкил

этиш масаласи бўйича аксарият қишлоқ жойларидаги умумий таълим мактабларида аҳоли мутлақо қониқарсиз эканлиги, айниқса, Навоий вилоятидаги айрим қишлоқ мактабларида спорт майдончалари йўқлиги, спорт анжомлари билан таъминлаш қониқарсизлиги, малакали спорт мураббийларининг етишмаслиги, вилоят ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари раҳбарияти эса бу масалаларни ҳал қилишдан ўзини четга олаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантиришнинг ҳолати ва аҳамиятига ҳаюзгача етарли эътибор қаратмаётгани, туманлар ва шаҳарларда болалар спортини учун масъул етакчи мутахассисларнинг аттестацияси қониқарсиз ўтказилгани таъкидланди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Янгйер, Тошкент вилоятининг Зангиота, Наманган вилоятининг Ўйчи, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманлари етакчи мутахассислари аттестациядан ўтганидан кейин 2-3 ой ўтар-ўтмас ишдан бўшаб кетган.

Кичик ва ўрта ёшдаги қизларни оммавий спортга жалб этиш масаласи талаб даражасида эмас. Жойлардаги айрим мутахассис раҳбарлар бу ишга юзаси қарамоқда, маҳаллардаги спорт майдончалари негизда турли спорт секциялари тузилишига кўмаклашиш ва оилавий спортни ривожлантириш билан боғлиқ ишлар мунтазам олиб борилмапти.

Мажлисда таъкидланганидек, фойдаланишга топширилмаган болалар спортини иншоотларининг техник-эксплуатация ишларини ташкил қилиш масаласига етарли даражада эътибор берилмапти. Қишлоқ жойларидаги мавжуд спорт муассасаларининг базасини кучайтириш ишлари қониқарсиз аҳволда, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш масаласи кўп жойларда ўз ечимини топаётгани йўқ.

Жамгарманинг валюта ҳисоб рақамида 2,5 миллион АҚШ долларидаган ортиқ миқдорда маблаг бўлгани ҳолда, спорт иншоотлари учун зарур жиҳоз ва анжомлар харид қилиш ишига ҳалигача киришилмаган.

2004 йил дастурини шакллантиришда жамгарма раҳбарияти ўзибўларчилиқка йўл қўйгани, натижада жорий йилда янгидан қуриладиган ва таъмирланадиган кўпгина спорт иншоотларининг лойиҳа ҳужжатлари ҳанузгача тайёрланмагани, бу иншоотлар бўйича танлов савдолари ўтказилмагани қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлағанов, Жамгарма бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг 2003 йилда болалар спортини ривожлантириш ва бу мақсадларга ҳомийлар маблагларини жалб қилишдаги бажарган ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, деб топилди ҳамда 2004 йил дастурига киритилган қўрилмаган ва таъмирланадиган спорт иншоотларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, танлов савдоларини ўтказиш ва иншоотларни ўз вақтида топширишга уларнинг шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамгармасининг 2003 йил дастури ва бюджетининг ижроси ҳамда 2004 йил дастури ва бюджетни тасдиқланди.

Жамгарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгаши раисларининг дастурдаги болалар спортини иншоотларининг ўз вақтида қурилиши, таъмирланиши ва самарали фойдаланилишига шахсан масъул эканлиги белгиланган бўлиб қўйилди. Уларга лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда танлов савдоларида йўл қўйилган камчиликларни январь-февраль ойларида бартараф этиб, кеч билан март ойида дастурга киритилган барча янги спорт иншоотларида қурилиш ишларини бошлаш вазифаси топширилди.

Жамгарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгаши раисларига 10 кун муддат ичида жойларда ҳомийлик кенгаши мажлисида қўйилган вазифаларни бажаришга бағишланган йиғилишлар ўтказиб, болалар спортини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини тасдиқлаш тавсия этилди.

Мазкур дастурларда, аввало, қишлоқ жойларидаги спорт иншоотлари бўлмаган мактабларни аниқлаш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш, бу ишга ҳомийлар маблагларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ҳашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мавсумий спорт майдонларини қуриш, болалар спортини оммашлантириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини доимий равишда ўтказиш, қизларни спортнинг энгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол теннис каби секцияларига кенгроқ жалб этишга оид масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги ўқтирилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарларининг қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлаш ва анжомлар билан таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги таъкидланган бўлиб қўйилди.

2004 йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича Ҳомийлик кенгашининг мажлисида болалар спортини ривожлантиришда айрим шаҳар ва туман ҳокимларининг ҳисоботи эшитилиши белгиланган бўлиб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлағанов, Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовга биринчи чорак якуни бўйича туман ва шаҳарларда болалар спортини ривожлантириш учун масъул етакчи му-

тахассисларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, нолойиқ шахслардан воз кечиб, малакали ва фидойи кадрларни топиш ҳамда жой-жойига қўйиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблагларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгиланган тушумларнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги таъкидланди.

Молия вазирини М.Нурмуродов зиммасига барча қурилиш ишларини жамгарманинг тасдиқланган бюджетни асосида ўз вақтида молиялаштириш, қўзда тутилган харажатларнинг белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси (А.Мирқосимов) билан биргаликда бир ой муддатда республика бўйича фойдаланишга топширилмаган болалар спортини иншоотларида техник-эксплуатация ишларини ташкил қилиш юзасидан аниқ қўлланилган жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаева Андижон вилоятида барпо этилган коллеж ва лицейлар ҳамда уларнинг қўшидаги замонавий спорт иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш ва амалий фаолиятда қўллаш мақсадида тегишли раҳбарлар ва мутахассислар учун республика семинар-кенгашиларини ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, А.Азизхўжаева икки ой муддатда Халқ таълими вазирлигининг қишлоқ

мактаблари моддий-техникавий базасининг аҳоли тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра, вазирлик ҳамда ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг жавобгарлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши белгиланган бўлиб қўйилди.

Шунингдек, Навоий вилоятида болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилмаган ишлар, умумий таълим мактабларининг аҳоли, уларнинг спорт анжомлари билан таъминлаш даражаси ҳақидаги ҳисобот вилоят ва туман халқ таълими раҳбарлари ҳамда мактаб директорлари иштирокида қўриб чиқилди ва тегишли чоралар белгиланди.

Болалар спортини иншоотларини малакали спорт мураббийлари ва услубий қўлланилган болалар таъминлаш, спорт мураббийларининг малакасини ошириш дастурлари қўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Марказда ва жойларда болалар спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларининг кўргазмалари ташкил этилганлигини эътиборга олиб, «Ўзбек-англисаноат» компаниясига (А.Бахромова) ва «Ўзбекнаркопобабзали» уюшмасига (Э.Холмуродов) ана шундай маҳсулотларни замон талаблари даражасида ишлаб чиқариш ва уларни арзонлаштириш нархларда истеъмолчиларга етказиб бериш чора-тадбирларини қўриш вазифаси юклатилди.

«Ўзтелерадиокомпания» (А.Кўчимова), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғулов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазратқулов) болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси ҳомийлик кенгашининг 2004 йил иш режаси тасдиқланди.

(ЎЗА).

Жараён

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида аграр соҳа раҳбарлари семинарининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва инвестицияни жалб этиш мавзусида маъруза қилди.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва салмоғини ошириш, жаҳон андозларида жавоб берадиган, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада ташқи иқтисодий савдо алоқаларини кенгайтиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Янги ташкилий-ҳўжалик тизими тузилиши рағбатлантириладиган тўғривий аграрно-хўжалик ва бирлашмаларининг мустақил ҳолда жаҳон бозорига чиқиши учун кенг йўл очилмоқда. Зеро, етиштирилаётган ноз-

неъматлар ўзининг сарқилиги ва табиий таркиби билан хориж бозорида бемалол рақобатлаша олади.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиги Б.Хўжаев, «Ўзмева-сабзавотузмасаноат-холдинг» компанияси раиси А.Аюпов, «Ўзбек ипаги» уюшмаси раиси Ш.Умаров ва бошқаларнинг ҳам маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

БРЕМЕН: АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ

«Бремен иқтисодиёти» журналида Ўзбекистон-Германия иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган кенг қамровли мақола чоп этилди.

Унда айтилишича, Ўзбекистоннинг бой табиий хом ашё захиралари, чексиз иқтисодий салоҳияти хорижий сармоядорларни бефарқ қарата олмади. Шу маънода, Германия ишбилармон доиралари икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилоқланган.

Германия журнали Ўзбекистон ҳукуматининг хорижий сармояларни жалб этиш, чет эллик тадбиркорларга қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда чиқар ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ушбу муносабатларни янги чўққиларга кўтариши мўқаррар эканлиги қайд этилди.

«2003 йилнинг октябрь ойида 2004-2006 йиллар мобайнида фермерлик ҳаракатини ривожланти-

риш концепцияси»нинг қабул қилиниши, жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясининг жорий этилиши Ўзбекистон иқтисодиёти ва қишлоқ ҳўжалигини тобора ривожланиши учун мустаҳкам асос яратди. Бу эса ўз навбатида Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишга бўлган иштиёқини янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Журнал мухлислар диққатини мамлакатимизнинг Бремен билан бўлган алоқаларига жалб этар экан, ўлка ишбилармон доиралари мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётганини қайд этди.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА.

ДАРСЛИКЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Мамлакатимизда мактаб дарсликларининг янги авлодини яратиш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада республика Халқ таълими вазирлиги ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этиш тизимини такомиллаштириш» дастури ўз самарасини бермоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган мазкур лойиҳа 2000 йилда бошланган бўлиб, унинг дастлабки босқичида мактаб дарсликларининг ижара тизими синовдан ўтказилди.

Илгарили дарсликлар нашр этилган, орадан кўп вақт ўтмай, уларнинг айримлари мазмунан талабга жавоб бермай қоларди. Дарсликларнинг ўқувчи учун тушунарли тилда ёзилганлиги, мазмунларини палаттишги ўқитувчиларнинг эътирозларига сабаб бўлар ва бундай дарсликларни яна янгилашга

тўғри келарди. Дарсликларнинг синовдан ўтказилиши эса шундай нуқсонларга чек қўйди. Синов учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги биттадан тумандан таълим ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар танлаб олинган. Бу мактабларда янги дарсликлар синовдан ўтказилиб, улар юзасидан билдирилган фикрлар, таклиф-мулоҳазалар умумлаштирилди.

А. ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 27 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиледи: /

1 Австралия доллари	761,01
1 Англия фунт стерлинги	1798,78
1 Дания кронаси	166,36
1 БАА дирҳами	268,08
1 АҚШ доллари	984,61
1 Хитой юани	118,96
1 Малайзия ринггити	259,14
1 Польша злотийси	265,39
1 СДР	1476,71
1000 Туркия лираси	0,74
1 Швейцария франки	792,57
1 ЕВРО	1238,25
10 Жанубий Корея вони	8,34
10 Япония иенаси	92,77
1 Россия рубли	34,49
1 Украина гривнаси	184,69

*/ Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ҲУКУМАТЛАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Парижда Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматларо комиссиянинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия ҳамраиси, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Э.Ғаниев республикада иқтисодий вазият, халқаро молиявий муассасалар билан ҳамкорликнинг ривожланиши, мамлакатда сармоявий муҳитни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида мажлис иштирокчиларига ахборот берди.

Франция томони Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттиришга қаратилган, хусусан, савдо, банк ва маъмурий тизимларни, қишлоқ ҳўжалигини эркинлаштириш, қорхоналарни хусусийлаштириш борасидаги сазй ҳаракатини қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Томонлар ўзаро муносабатлар аҳоли ва истикболлари бўйича фикр алмашди, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини фойдалантиришни рағбатлантириш зарурлигини таъкидладилар, аниқ иқтисодий аҳамиятга молик, хусусан, халқаро муассасалар билан биргаликда молиялаштириш шартлари асосидаги лойиҳаларни муҳокама этидилар, молия ва божхона соҳасини тартибга солишда икки мам-

лакат вазирлик ва идоралари ўртасида муассасаларо ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга келишди. Ҳукуматларо комиссия мажлисининг натижаларига кўра қўшма протокол имзоланди.

Парижда ташир чоғида Ўзбекистон хайъати раҳбари Э.Ғаниев Франция Ташқи ишлар давлат котиби Р.Мюэльге томонидан қабул қилинди. Сўхбат чоғида Р.Мюэльге икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш учун сиёсий ирода ва иқтисодий шарт-шароитлар мавжудлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Э.Ғаниевнинг Франция ташқи савдо масалалари бўйича ваколатли вазир Ф.Лоосо, қатор етакчи француз компания ва ташиқлотлари раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси хайъати Франция тадбиркорлари ҳаракати (МЕДЕФ) қароргоҳида ўтказилган Ўзбекистон ва Франция тадбиркорларининг қўшма бизнес-семинарида иштирок этди.

«Жаҳон» АА.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Олмалиқ шаҳрида жойлашган 50-вилоят заиф эшитувчи ва қўриш қобилияти паст бўлган болалар интернетидида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамгармасининг вилоят бўлими вакиллари билан болалар билан учрашди.

— Бундай болаларга қанча меҳр улашсанг ҳам камлик қилади, — дейди жамгарма вилоят бўлимининг раиси Зарифа Эшмироваева. — Чунки, ҳар бир ожиз инсон қўнғилда: «Жамиятга қандай нафим тегиши мумкин?» деган савол мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам интернат раҳбарияти билан болалар иштирокида шу ҳудудда бог ташкил қилишга киришдик. Бундан мақсад бу ёшларни меҳнатга жалб қилиш ва уларга келажакда юрт равнақига ўз ҳиссасини қўша олиш имкони борилигини шу йўл билан етказишдир.


Шунингдек, интернат тарбияланувчиларини республиканинг турли тарихий жойларига саёхатга олиб боришга ҳам келишиб олинди.

Тадбир сўнггида болалар томонидан турли саҳна томошалари, концерт дастурлари намоиш этилди ва бундан буён интернатда «Олтин мерос»

жамгармаси томонидан турли тадбирлар уюштириш ҳақида сўз борди.

Камолиддин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири. СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Асосий Қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

104-модда. Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.



Ҳоким тегишли ҳудудда юқори лавозимли шахсдир. Унга берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча соҳаларни бошқариш қиради. Республика микросидаги ҳар қандай ҳужжат ҳокимлар орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Конституцияга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида амал қилишни таъ-

минлаш, Олий Мажлис қарорларини амалга ошириш, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, юқори органлар ва тегишли ҳудуд халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкиллаштириш каби юмушлар ҳокимнинг бош вазифаларидир. Ҳоким бу вазифаларни бажаришда ўз ижрочи аппарати ва со-

ҳавий бошқарув органларига таянади.

Ҳоким томонидан юқори давлат органлари ҳужжатларини амалга оширишга қаратилган ва ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан қабул қилинган қарор тегишли ҳудуддаги барча органлар, қорхона, ташкилот, муассаса, жамоатчилик ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурийдир.

Ҳоким ўзи қабул қилган қарор ва бошқа ҳужжатлар мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда уларга нисбатан интизоимий жавобгарликка тортиш учун белгиланган тартибда тақдирномалар киритади.

Эргаш САЙИТОВ,
Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари,
2-даражали адлия маслаҳатчиси.

КЎРИҚДАН ЎТИШДИ

Тошкент туманидаги «Кўктерак» қишлоқ фуқаролар йиғинида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар болалари ва аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Вилоят «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу кўрикда қишлоқ хотин-қизлари ўз саломатликларини текширтириб олишди. Аёллар учун ўтказилган давра суҳбатда вилоят олий тоғали болалар шифокори Мамлакат Аъзамова камқонлик, бўқоқ касалликлари ва уларнинг олдини олиш ҳақида сўзлаб берди. Тиббий кўрик якунида аёлларга бепул доридармонлар тарқатилди. Худуд шундай тадбир туманининг «Чувалачи», «Масалбой» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Қишлоқ ва ислоҳот

СУРУМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

унинг мағзини Қуйичирчиқ туманидаги Навоий номли ширкат ҳўжалиги жамоасининг изланишлари, омилкорлиги, даромади ва инсон омилига эътибор ташкил этади

Дехқон йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, хирмон кўтариладиган палла ҳақини ололмай, мирқуруқ қолган йилларни яхши эслаймиз.

— Боз устига, ҳўжаликдан қарздор бўлиб, кейинги йиллари ишлаб бергаларимиз-чи! — дейди Усмон ота. — Мана, замонамдан ўргилгани, ҳар йили хонадонларимизга тўрт тонна, беш тоннада шили тушириб олаётимиз.

Давфатан, Усмон отанинг бу гапларига ишонмадик. Мўйсалиф ҳам ўта зукко экан, гумонимизни илғади шекилли, ёнида ўтирган ўрта ёшли кишига им қокди:

— Меҳмон мени лоғчи ҳисоблапти, ўзинг гапир, Тўлаған.

Маълум бўлишича, Тўлаған Алимбоев механикатор, ҳўжаликнинг машина-трактор паркида ишларкан. Олдинги куз «Енисей» комбайни билан 300 тонна шилини ўриб-янчиб берибди. Ҳисоб-китоб чоғи барча пудратчилар қатори унга ҳам 6 тонна шили тегибди.

— Гўруччи эмин-эркин бозорга чиқариб сотдик, ака, — деди Тўлаған киҳояси яқунлаб. — Бир миллион икки юз минг сўмдан ортиқ пул бўлди. Билсангиз, йил бўйи олган маошимга йўмайгина қўшимча бу. Агар дивидендимизни қўшсангиз, оиламиз йиллик даромадининг салмоғи аён бўлади-қўяди...

Шоличиликка ихтисослашган Навоий номли ширкат ҳўжалигига йўлдаги шу гўрун таъсирида етиб бордик. Шундайгина қишлоқ марказида, катта хирмонда шу киш қунарлар ҳам иш қизғинлиги йўлдаги таассуротларимизга дастлабки жавоб бўлди.

Одамлар машиналарга шили юклашар, нариқода тозалаш ускуналари тўхтосиз ишлаб турарди. — Куз ёйингарчиликлари ўрим-йиғимни қўйиб юборди, — изоҳ берди ҳўжаликнинг бош ҳисобчиси Турғунбой Шерманов. — Аммо, одамларимиз ҳам обдон меҳнат қилишди. Ҳарқалай, жами ҳосилини йиғиб олдик. Мана, охириги хирмонлардаги шилини қуришти, тозалаб омиборларга олаётимиз.

— Қишлоқда ислохотлар қуқурулашиб боргани сари бозор муносабатлари ўз ҳукмига тўла кириб бора-япти, — деди ҳўжалик бошқарувининг раиси Турсунхўжа Искандаров. — Ишлаб чиқариш, молия феолиятимиз эркинлаша-япти. Шундай бўлдики, ўтган йили жамики ишлаб чиқариш харажатларини ҳўжалигимизнинг ўз захира маблағлари ҳисобидан қоплаб келдик. Дехқонларимизга ҳам ойлик маошларини вақтида тўлаб турдик. Ҳозир омиборларимизда саклаётган шилини сотиб олсак, ялли даромадимиз 2 миллиард 100 миллион сўмдан ортади. Нима демокчиман? Ҳосил ниҳоятда яхши бўлган 2002

йили умумий даромадимиз 1 миллиард 752 миллион сўмга етган эди. Демак, қузи об-ҳаво шилиқорлар учун ниҳоятда нуқулай келган ўтган йилги шароитда ҳам 12 минг 744 тонна ҳосилини ўриб-янчиб олиб, олдинги йилгидан деярли 300-350 миллион сўм ортиқ даромад жамғараямиз. Шу эмасми, ахир, қишлоқ ҳўжалигидеги ислохотларнинг натижаси?

Бугун ҳўжаликда бўлиб, қишлоқларни айлансангиз, раис айтмоқчи, ислохотларнинг амалдаги натижаларини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Бирок, қишлоқ одамларининг маънавий, маданий-маиший турмушидаги ўзгаришларга ўтишдан олдин ҳали йўлда эшитган гапларимиз асло муболага эмаслигини ойдинлаштириб олмоқчи бўлдик. Ҳўша хангомини эслатган эдик, суҳбатдошларимиз ҳечрасида нури бир жило пайдо бўлди, ҳалиги ўзидан қаноатланмаслик руҳияти ўзгарди.

— Нимагаки эришяётган бўлсак, одамларимизнинг меҳнати, мутахассисларимизнинг ички имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланишлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш учун тинмай изланишлари тўғрисида бўла-япти, — деди Искандаров. — Дехқон механикаторларимизга ҳам шунга мутаносиб шароит яратиб харақатимиз.

Шундай деди-да, раис бош иқтисодчига ишора қилди: — Ана, мутахассиснинг ўзи айтсин одамларимизнинг даромадиго бумомадини. — Ҳўжаликда Валерий Тхай бошлиқ оилавий пудратчилар гўрухи 62 центнердан ҳосил олиб, ишлаб чиқариш режасини 134,3 фоизга етказди. Пётр Лига, Рустам Акбаров, Омонғелди Мусаев, Акбар Искандаров, Ўткир Ҳолтоев, Исмаилов Ҳўзобек, Эшонқул Ҳўзобеклар бошлиқ оилавий пудратчилар ҳам режаларини анча ошириб бажаришди.

— Уртача бир пудратчилар гўруҳининг йиллик даромадини кўриб қийайлик, — деди К. Аюпов. — Мана,

Рустам Акбаров бошлиқ пудратчилар гўрухи гектардан 54,6 центнердан ҳосил олди. Улар 468 тонна ўрнига 563 тонна шили етиштиришди. Режадан ортиқ 94,4 тонна шили натуро ҳолида 10 пудратчига тақсимлаб берилди. Қаранг, ҳар бир пудратчи ўртача 9 тоннадан ортиқ шили оляпти. Натура шили бугунги бозор баҳосида пулга ҳақсангиз, 8 миллион 590 сўм бўлади. Ёз бўйи пудратчиларга ойма-ой 3 миллион 825 минг сўм нақд иш ҳақи тўланган. Демак, бу гўрух пудратчилар 12 миллион 415 минг сўм меҳнат ҳақи олишди. Бу бир ишловчи-га ўртача 1 миллион 241 минг сўмданга тўғри келади, деган сўз.

— Ҳали олдинда дивиденд олиш ҳам бор, — қўшиб қўйди бош ҳисобчи. — Барча харажатларни чиқариб ташласак, 409 миллион сўм соф фойда қоляпти. Бунинг 20 фоизи — даяр-чи 82 миллион сўмини дивиденд ҳисобиде тўлаймиз.

Бошқаларнинг даромади ҳам бундан кам эмас. Бунга қишлоқни айланиб, турли тоифа одамлар билан суҳбатлар чоғида ҳам ишонч ҳосил қилдик. Раҳбару мутахассис ҳам, шилиқору механизатор ҳам ялли даромадга қўшган улўшига қараб ҳақ олади. Ҳар бир аъзонинг ўртача ойлик иш ҳақи 200 минг сўмлик даражадан юқори кўтарилганига кўп йил бўлди. Навоий номли ширкат ҳўжалигиде яна бир аънаа ниҳоятда ибратли. Бу — ҳўжалик равнакига муайян ҳисса қўшган пенсионерлар ҳам «супрадан» қуруқ қолмаслигини кўриб қийайлик. Айтилайлик, ҳар йили тўланадиган дивиденднинг 10 фоизи улар ўртасида ҳўжаликдаги меҳнат стажига қараб тақсимланади. Демак, бу йил ҳўжалик пенсионерлари ҳам пенсияларига қўшимча равишда 8 миллион сўмдан зиёд нақд пул олишди.

Эртанг кун эгалари, истикболда ҳўжалик дала-лари, устаноналари ва фермаларида меҳрини қўшиб ишлайдиган йигит-

қизлар тарбиясига ғамхўрлик ҳам эътиборда. Чунончи, ҳўжаликдаги икки боғчада юзга яқин бола тарбияланади. Ширкат аъзосининг икки нафардан ортиқ фарзанди боғчага қатнаса, оила тўлайдиган ҳақнинг 50 фоизи ҳўжалик зиммасида. Пенсионер, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эса, боғчада бепул тарбияланадилар. Қишлоқдаги уч минг мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Аълочи ўқувчилар ой сайин энг кам ойлик иш ҳақи микдорида стипендия олиб туришди. Ширкатчиларнинг саккиз-ўн нафар фарзанди ҳўжалик ҳисобидан олий маълумот оляпти.

Қишлоқни айланиб юриб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, «Пул бўлса, чангалда «шўрва» маҳалини Навоий ширкат ҳўжалигига аъзоларининг бугунги турмушига мўъяса қилса бўлади, деган ҳулосага келдик. Дарҳақиқат, эшилиб меҳнатни қилган киши яйраб-яшнаб яшайпти. Ким уй қурган, ким машина олган. Шу киш кезлари санаторийлару дам олиш уйларига отланганлар қанча.

— Шолиқорнинг меҳнати оғир, — деди ҳўжала-шаётганимизда бошқарув раиси Турсунхўжа Искандаров. — Бунинг бир кун бўлса ҳам шилипоёда ишлаган билади. Шилини ҳисобга олиб, «Зангиота» санаторийсида ҳар йили 30-35 кишини дам олдириб, соғломлаштиришди. Олдинги йили шу мақсад учун ҳўжалигимиз 2,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади. Бу йил ҳам шу аънаани давом эттираямиз.

Ҳаётда, ишлаб чиқаришда инсон омилини, унинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишининг самараларини шу кунги Сурум қишлоғида яқоқ кўрдик. Бугун излаган имкон топишга, ўзини намоён эта олишга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



СУРАТДА: бошқарув раиси Турсунхўжа Искандаров (ўртада) мутахассислар билан. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Гуёҳхандликдан саклананг

ГАП — БАҲАМЖИҲАТ ҲАРАКАТДА

Сўнги ойларида Зангиота туманидаги айрим қишлоқларда гуёҳхандлик моддалари савдосига оид ташвишли овозлар кўнайиб қолди. Лекин, наша чекиш ёки героин истеъмол қилиш ҳолатлари ҳақидаги бу ахборотлар узук-юлук эди, «заҳри қотиллар»ни ташувчи, сотувчи ёки истеъмол қилувчиларни топшининг иложи бўлмади.

Бундай ташвишли хабарлар мунтазам тус олаётганлиги эса, табиийки, тезкор чораларни тақозо этарди. Ниҳоят, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси наркотропик ва наркотик моддалар тайрикунуний айланишининг олдини олиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Мурод Аширматов, милиция капитани Азиз Алиқаров, Зангиота тумани ички ишлар бўлимининг ходими, милиция катта лейтенанти Азиз Топиловдан иборат тезкор гўрух бу масала билан бевосита шуғуллана бошлади. Ҳамма излар Назарбек қишлоғидаги Мурод исмли бир қимсангир хонадонда бирлашди.

Бирок, тезкор гўрух қанчалик синчиқлаб қўздан кечирмасин, Муроднинг катта, саранжом-сарият хонадонидан бирор ашёвий далил топа олмади. Уй эгаси пинагини бузқон, тинтув ишларини совуққонлик билан қузатиб юрар, қаерни очиб ёки қўрсатиш талаб қилинса, дарҳол ўша жойга бошлаб борарди.

Шу орада текширувчилар уй орқасидаги бинога эътибор бериб қолишди. — Кимнинг биноси? — сўрашди Муроддан.

— Бу энди бир молхона... — боядан буён хотиржам уй эгасининг овози титрагандек туюлди. Молхона эшитини очиб қўришса, хона юзасига топ-тоза плёнка ёйилган, шифт бўғотларига катта-катта наша туллари сукиб қўйилган. Қуришти учун осиб қўйилган наша 36 тул чикди...

— Шу кун Мурод Сарғибоевнинг уйидан 35 килограмм 780 грамм марихуана ашёвий далил сифатида олинди, — дейди милиция майори Мурод Аширматов. — Дарҳол Ўзбекистон Республикаси Жиноят

Кодексининг 273-моддаси 5-қисми бўйича жиноий иш қўзғатилди.

— Афсуски, кейинги йилларда гуёҳхандлик моддаларини етиштириш, саклаш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда, — суҳбатга қўшилди бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Элдор Аҳмедов. — Мана қаранг, ўтган йили вилоятимиз шаҳар ва туманларида гуёҳхандликка оид 664 та ҳолат бўйича жиноят ишлари аниқланди. Турли гуёҳхандлик моддаларини бевосита сотиш билан боғлиқ 238 та ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоятда нуқсоний равишда қўқнори ва наша экилишининг олдини олишга ҳам эътибор қўйилган. Шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари, қишлоқ ҳўжалик идоралари, қишлоқ ва маҳаллаларнинг фаоллари билан амалий ҳамкорлик бу ишлар самарадорлигини оширмоқда. Шунинг айтиш қийоки, 2002 йили гуёҳхандлик ўсимликларини ноқонуний экиш бўйича 179 ҳолат аниқланган бўлса, 2003 йили 191 та ҳолатда инсон саломатлигининг душмани бўлган экинлар экилганлиги аниқланиб, улар ўриб, қўйдириб ташланди.

Гуёҳхандликни бедаво дарад билан мўъяса қилиш мумкин. Лекин, бу дард ҳафосини ёлғиз «бетоблар»нинг ўзлари чекишмайди. Бу дарднинг ўз аъзолари орасидаги хуруждан бутун жамият азият чекади, зарар қўради. Бугун бу дарддан бартараф этишга, гуёҳхандлик моддалари ер юзи бўйлаб ноқонуний тарқалишининг олдини олишга бутун жамият, барча давлатлар баҳамжихат қиришганликларининг сабаби шунда.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Франциянинг Афғонистонда ҳавфисилликка қўмаклашмиш халқро қучлари (ISAF) таркибидеги контингенти ва Тожикистондаги француз ҳарбий-транспорт бўлимига учун Франция мудоффа вазирлиги юкарини ташвиш бўйича чартер қатновларини бошлади.

Биринчи қатновни Шатору-Дело шахри аэропортидан учган мазкур компанияга қарашли «Ил-76ТД» самолёти амалга оширди.

Франция қурулди қучлари бош штаби ҳаво орқали юкарини мунтазам ташвиш бўйича бюртмачидир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва юкар ташвиш таъминлаш воқолатини олган «Airnautic» воситачи компания ўртасидаги битимга биноан ҳафтасига икки марта қатнов бажарилиши режалаштирилмоқда.

ЯНГИ ҲАВО КЎПРИГИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво кемаларининг ишончли, тўхтосиз юк ташвини таъминлаш учун улар сонининг етарли экани, минтақада ўзбек авиаҳодимларининг иш тажрибаси ва уларнинг Фарб мамлакатларидаги ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича фаолияти, мазкур қатновларни амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг қулай географик жойлашуви — Франция томонининг айнан мамлакатимиз авиакомпаниясини танлашга ундаган асосий омиллардан бўлди.

Таъкидлаш жоизки, авиакомпаниямизнинг Франция юк ташвиш бозорига кириши келажак учун яхши истикболларни очмоқда. Шу ўринда Франция томонининг дунёдаги бошқа минтақаларда ҳам юк ташвини бажаришга «Ўзбекистон ҳаво йўллари»ни жалб этишга қизиқиб билдираётганини айтиш мумкин.

Жорий йилнинг 23 январида Шатору-Дело шахри аэропортида «Ил-76ТД» русумли биринчи ўзбек самолётини қузатиш маросимида ушбу мамлакатдаги Франция қурулди қучлари бош штаби ва авиация хизматлари, Ўзбекистон элчихонаси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ваколатхонаси вакиллари иштирок этишди.

«Жаҳон» АА.

Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳодимлари томонидан талбиғ газдан фойдаланишнинг ахволи ўрганиб чиқилди. Олиб борилган тезкор тадбирлар давомида вилоят ҳудудида шу йилнинг январь ойида «зангори олов»дан 38 ҳолатда ноқонуний, ўзбошимчилик билан фойдаланганлик маълум бўлди. Давлатга етказилган зарар миқдори ҳисоб-китоб қилинганида, у 15 миллион сўмга яқинлашиб борди. 4 та фуқарога нисбатан жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатишга тўғри келди. Бошқа ҳолатлар юзасидан маъмурий ишлар чора қўриш учун жойлардаги судларга юборилди. Қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида давлатга етказилган зарар ундириб олинмоқда.

Жумладан, Қибрай туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ҳодимлари «Қибрайга» таъминот қорхонаси ҳодимлари билан ҳамкорликда ўтказишган та-

бирда Ёнарик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Х. Обидов қўчаси, 3-ўйда истиқомат қилувчи Д. Обидов ўз уйида иссиқхона қуриб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келганлиги ва оқибатда дав-

УДДАБУРОНЛИКМИ ЁКИ ФИРРОМЛИК?

Табиий газ рўзгоримизни бут, оғиримизни енгил қилади. Боз устига, у энг арзон ва қулай ёқилғи ҳисобланади. Бирок биз «зангори олов»дан оқилона фойдаланаяпмизми?

латга 239 минг 519 сўм миқдорда зарар етказганлиги маълум бўлди. «Носирбек ота» қўчаси, 26-ўйда яшовчи фуқаро А. Нуриддинов уйда иссиқхона қуриб, бир кун келиб чуви қиқилиши билганимизки? Унинг шу кунгача давлатга етказган зарари 230 минг 646 сўмин ташкил этди.

Пул деб орийати нутган Байтўқрон қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи С. Эшметовга «Сиз ўзингизнинг бу хатти-харақатингиз билан роппа-роса 461 минг 293 сўм зарар келтириб турибсиз, энди

шуни тўлашга тўғри келди» деганда, уддабуруннинг тарвузи қўлтигидан тушиб кетди. У ўз ноқонуний хатти-харақати, ўзбошимчилиги бундан бўён ҳазосиз қолиб кетмаслигини уқиб олган бўлса ажаб эмас.

Туманда фаш этилган яна бир ҳолат олдида бу мисоллар ҳеч гап эмасга

ўхшайди. «Лимончилик» ширкат ҳўжалиги қозонхонасининг бошлиғи А. Мамараҳимов ўзи ташланган қозонга ҳеч қимдан сурамай-нетмай қимдан улаб олган экан. Хомчўт қилиб қўрилганда, шоввоз оз

эмас, кўп эмас 6 миллион 430 минг сўмликдан ортиқ газни совириб юборгани маълум бўлди. Эътибор берган бўлсангиз, табиий газдан ноқонуний фойдаланувчиларнинг аксарияти ойнаванд том остида дехқончилик билан шуғулланмоқчи бўлган қишлоқлардир. Ҳалол меҳнат қилган қандини урсин дей-

миз. Аммо, фирромлиқни, ўзбошимчиликни асло кечириб бўлмайди. Чунки, Қибрай туман аҳолисини таъминлайдиган табиий газнинг катта қисми шу уддабурунлар томонидан ўғирланиб ёқилмоқда. Ўз навбатида газдан ўғирчани йўллар билан фойдаланаятганлар қасрига газ таъминотининг меъёри бузилмоқда. Натижада, қиш фаслида хонадонларда газ босими гоҳ қучайиб, ёнғинларга сабаб бўлади, гоҳ пайсаби, уйлар исмайди, болалар ва кексалар совуқдан қийналади.

Халқимизда «халолликка не етсин» деган пурҳикмат гап бор. Барақанинг боши халоллик, тадбиркорликка. Лекин, буларни фирромлик билан омухта қилиш ўзини виждонли ҳисобовчи қишлоқларга мутлақо ярашмайди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА, вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси матбуот гўруҳининг катта нозир.

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛАДИ

Чилот туманида йўллар қуриш, мажбуриятини жаҳон андозасига мос тарзда қайта таъмирлашга эътибор қаратилаяпти.

Хусусан, туман марказидаги Б. Ғофуров номли кўчада 148 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, бу йил Олмасор-Эшонбод йўлида 600 миллион сўмлик, Тошкент-Термиз трассасининг тумандан ўтувчи қисмида 500 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

«БЎСТОН» БИРИНЧИ

Оҳангарон шахрининг 20 та маҳалласида ўсмирлар ўртасида шовхот ва шавка бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда юзга яқин ёшлар иштирок этишди. Шаҳардаги «Бўстон» маҳалласи ўсмирлари умумҳушмо ҳисобиде биринчиликни қўлга қиритди. Кейинги ўринлар эса, «Адолат» ва «Ёшлик» маҳаллалари йигит-қизларига насиб этди. **Равшан РУСТАМОВ.**

ҲИНДИСТОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида ушбу давлатнинг миллий байрами — Республика кунининг 55 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Унда Ҳиндистоннинг ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал Ҳиндистон эришавтган ютуқлар, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларда қўлга киритаётган салмоқли натижалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Маросимда ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги серкирра

муносабатлар жадал ва изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Бу ривож мамлакатларимизнинг таълим, дори-дармон ишлаб чиқариш, ахборот технологияларини ривожлантириш, энергетика соҳаларидаги ҳамкорлигида, айниқса, яққол кўзга ташланади.

Бобур СОБИРОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАЪЛИМ ВА КУТУБХОНА

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида таълим тизимидаги ислохотлар ва замонавий кутубхоначилик фаолиятини ташкил этишининг долзарб масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Кутубхона-чиқар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимиз таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни замонавий дарслик ва қўлланмалар билан

таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Зиё масканлари жамғармасида сақланаётган китобларнинг электрон нусхаси ва каталогларини яратиш, ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида Интернет тармоғидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбеков таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбир Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилди. Ў.Умарбеков «Севгим, севгим» қиссаси биланоқ китобхоналар назарига тушди. «Одам бўлиш қийин», «Фотима ва Зухра» романлари, «Ёз ёмғири», «Дамир Усмоновнинг икки бахори», «Болгар қўшиқлари», «Бобоёғоқ», «Қайтар дунё»,

«Ойнинг олтин ўроғи» каби қисса ва ҳикоялари халқчиллиги, самимийлиги, раван тили билан адабиёт ихлосмандларининг эътиборини қозонди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиоров ва бошқалар адибнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳусусида сўз юритди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Фотоускуналар ЛИЗИНГ АСОСИДА СОТИЛАДИ

«Шератон» меҳмонхонасида «Konica R1 Super рақамли мини-фотолабораторияларини харид қилишда молиявий ёрдам» мавзусида семинар бўлиб ўтди. У «Konica» корпорацияси томонидан «Ўзбек лизинг интернейшн АЖ» халқаро лизинг компанияси билан биргаликда ташкил этилди.

Семинарни ўтказишдан мақсад фотоускуналар ва лизинг хизматлари бора-сида мутахассислар мас-лаҳатларини бериш, фотоускуналарни сотиб олишда тадбиркорларга молиявий қўмаклашиш-дир.

Лизинг ҳам иқтисодий ривожланган, ҳам утиш даври иқтисодидаги мамлакатларда корхоналарни ўрта ва узоқ муддатга молиялашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда у лизинг олувчилар, жумладан кичик ва ўрта корхоналар активларини қўпайтиришнинг самарали воситаси сифатида алоҳида ўрин тутди. Чунки бундай корхоналар бандликни таъминлаш, инновацияларни жорий этиш ва рақобатни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Семинар давомида «Konica» корпорацияси мутахассислари иштирокчиларни юқори технологик техниканинг ўзига хос жиҳатлари билан таништирди.

Ж. РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

Зухра хола чўрт кесди:

— Гинерол туғул ундан каттасининг қизи бўлсам, олиб бермайман. Файридинни келин қилмайман. Қўчага чиқиб, бир йўталсам, лаббай деб ҳар эшикдан икки қиз чиқиб келади. Худога шукур, эшигимни ел очиб, ел ёпади. Карнай-сурнай чалдириб, оёқ-қўли чакқон, бетли-хаёли бир қизни олиб бераман. Ўрсининг қай-тиб оғзинга олма!

Нигора онасига хушомад қилиб, укасининг елкасига қокди:

— Шундай қил, жоним. Эртага бориб, поездга солиб кел. Пул керак бўлса, мен берай.

Алижон опасига ўқрайиб қаради, бармоғи билан бошига нуқиб қўйди. Гулмат ота нўхтани тикиб бўлди. Пишиқмикан, дегандек, тортиб-тортиб қўрди. Кейин кампирига ўғирилди:

— Сенинг оғзинг қўймайди, хотин. Ана Райимбердин нима бўлди? Аканг, «инжобилатмайман», деб тожик хотинидан ажратиб олди. Қайта уйлади. Барбир икки боласи билан ташлаб кетди. Қўнгил исимаса, ёмон. Қўявермайсанми, суйган ошини ичмайди?

Зухра хола эрига ташланди:

— Ха-а, сиз қулоғини кўтариб тулинг, бошвоғини олиб, қўйиб юборсанг, хозирги ёшлар нима қилмайди? Дайди итдек ҳар тувакка тумшугини тикиб, искаланиб чиқади. «Суйган ошини» ичганлардан бири анави Чори чуруқми? Ҳар йили хотин олади. Тўрт ерга олимлик! Тўлайди. Суйган ошини ичармиш... — кампир кўкрагига муштлади, — мен тирик эканман, меннинг пиширган ошимини ичасанлар. Қўзим юмилгандан кейин, менга деса бир-бирининг гўшларининг энглар.

Ота-бола энди айтишувнинг фойдаси йўқлигини билиб, секин туриб кетишди.

II.

Эрталаб Алижон онасининг олдида чиқди.

— Ая, мен Ларисани хабарлаб келай. Юрагини ховучлаб қўриб ўтиргандир. Бир бечорага жабр бўлди.

— Бора қол, болам, — деди Зухра хола юмшаб. У ўғлим айниди деб, севинганди, — бир йўла жавобини бериб кел. Алдаб-сундаб, йўлга сол. Мени ёмонлайвер. Онам дажвол хотин, де, ялмоғиз, сенга кун бермайди, бир йилда адои тамом қилиди, де. Худо хоҳласа, қишлоқдан чертиб-чертиб, мана бундай қиз олиб бераман.

Алижон эшикда қаққайиб қолди.

— Қўзим қиймапти-да, ая. Яхши қиз эди...

Зухра хола қўл силтаб, бақирди:

— Тўққан онангни қўзинг қияди, ортингдан эргашиб келган бир ўрсини қўзинг қиймайди? Бор, унда ўша қўқўзинг билан келган еринга кетавер! Қўзимга қўринма!

Ўғил секин чиқиб кетди. Зухра хола «Алижон!» деб чақирди. Лекин, у изига қайтмади.

Алижон кечкурун келмади. Зухра хола ваҳима босди. «Ростдан ҳам кетиб қолган бўлса-я? У бола кетади, айтганидан қайтмайди» ўжар. Асли ўзидан ўтди. Беш қиздан кейин тилаб-тилаб олган ёлғиз ўғил деб, бетига қараб ўқирди. Энди нима бўлади? Эл-юртга нима дейман?

Хола хуфтонгача тасбеҳ ўғириб, эшик тиқ этса қараб ўтирди. Алижоннинг дарағи бўлмади.

Сахар туриб нариги уйга чиқди. Ўғлининг ўрни бўш эди. Беихтиёр холанинг кўзларига ёш қалқди. Чолини чақириб, захрини сочди:

— Алижонгиз йўқ. Одам эчкиси йўқолса ҳам, қидиради. Мундоқ қарамай-сизми?

— Қаёқдан излайман? — деди Гулмат ота, — шахарга бориб, «Алижонни қўрган

Олимпик — алимент демоқчи.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

борми?» деб қичқираманми? Ёш бола эмас, келиб қолар.

Гулмат ота яна қулиб, кампирининг жигига тегди:

— Юргандир-да, суйган ошини ичиб. Зухра холакини тутиб кетди:

— Келсин, нақ битталаб сочини юламан!

— Кимнинг сочини, келинникини? Зухра хола «Қариб қуюлмаган қоқвош» деб қарганди. Ўрнидан туриб кетди.

Алижон кечкурун, қоронғи тушганда, Ларисани бошлаб келди. Алижоннинг қўлида катта жомадон, Лариса тўрхалта кўтариб олган. Алижон секин эшикни очиб, «Юр!» дегандек қўл силқиди. Лариса қилт этмай тураверди.

— Юравер, намунча қўрқасан? Аям ёввойи эмас, еб қўймайди.



Лариса ён эшикдан базўр кирди. Улкан ва чароғон ҳовлига қараб, анграйиб қолди. Алижон жомадонни айвонга олиб бориб қўйди, қайтиб келиб, қизининг қўлидан тортиди. Лариса беҳол эргашди.

Катта меҳмонхонада Гулмат ота билан Зухра хола чой ичиб ўтирган экан. Алижон эшикдан илжайиб кирди. Салом берди, ортига ўғирлиб, Ларисага имо қилди. Қиз қўрқа-писа остона ҳатлади.

— Мана, ая, келиннгиз, — деди Алижон хурсанд бўлиб, сўнг қизни туртди, — бор, аям билан қўриш.

Лариса бир-бир босиб, тўрга ўта бошлади. Зухра холанинг олдида бориб энгашди:

—Здравствуйте, мама!

Зухра хола Ларисани кўкрагидан итариб юбориб, бетини бурди. Қиз ҳайрон бўлиб бир Алижонга, бир Гулмат отага тикилганча, туриб қолди. Ота даст ўрнидан турди. Қизни баргига олиб бошини силлади.

— Саломга алик олмадинг-а, дўзахни хотин! — деб кампирини жеркиди. — Ўтир, қизим. Алижон, сен ҳам бу ёққа кел. Қани, омин. Агарда юлдузларнинг тўғри келгани рост бўлса, қўша қаринглар. Оллоху акбар!

Зухра хола тўнгиллади:

— Дўзахи деб сизни айтади. Кофирга фотиҳа қилиб ўтирибсиз-а?

— Мен бир мусофирини мусулмон қилмоқчиман. Худо хоҳласа, жаннатнинг тўри бизники, — деди Гулмат ота. Кампир аламига чидолмай, девор тарафга ўғирлиб олди.

Яна қизларникига, қариндош-уруғларникига чопар кетди. Ҳадемай «сибирлик келин»ни қўргани ҳовлиқиб, Алижоннинг опалари, тоғалари, амма-холалари етиб келишди.

Ушбу қинғир иш Дониёрни теров бўлимига етаклади.

Алижон, «Хўп десанглар, шу қизга уйланаман, бўлмаса бошимни олиб кетаман», деб туриб олди. Зухра холанинг илоҳи қолмади. Тоштемир қорини чақиртириб, никоҳ ўқиттирди. Икки кун ўтказиб кичкина тўй қилиб берди.

Тўйнинг эртаси. Зухра хола бомдод намозини адо этиб ҳам ўрнидан турмади. У келиннинг қичқилиш кутарди. Келиндан эса дарак йўқ.

Бир вақт майкачан Алижон қўринди.

— Ўрсининг ўлиб қолгани, қораси қўринмайди? — деди хола қовоқ солиб, Алижон ичкари кириб, хотинини бошлаб чиқди. Лариса «Здравствуйте, мам!» деб қўришмоқчи эди, хола юзини бурди.

— Ювқисиз! Уялмай тепамга келади-я! — У ҳовлига қараб қўл силтади, — бор, аввал бет-қўлингни ювиб кел!

Лариса ирғиб туриб отанинг рўпарасида бош эгди. Назозат билан:

— Сал-лям, а-я, — деди. Алижон қулиб юборди. ҳатто тўрсайиб ўтирган Зухра хола ҳам кемшиқ тишини қўрсатиб жимлайиб қўйди. Лариса уятли иш қилиб қўйгандек, эрига жавдираб боқди.

— Сен отамни ҳам ая дединг, шунга қуялми? Отамга, салом, дада, дейиш керак.

Лариса, қандоқ қилсам буларга ёқаркинман, деб ўлиб-тирилаётган эди. Лабини чўччайтириб, қийналиброк:

— Сал-лям, да-да, — деди.

— Ваалайкум ассалом, кўп яша қизим, — деди Гулмат ота ва Ларисанинг елкасига қокиб қўйди.

Нонуштага ўтирдилар. Алижон шигиллаб қайнаб турган самоварни кўтариб, уйга олиб кирди — қовоқсуса патнисига қўйди. Лариса оппоқ сочқ билан пиёла ни артаётган эди. Алижон, «Кампир унга чой қўй деб қолмасин, шарманда бўлади», деб ўйладу, дарров самовар ёнига чўққайди. Бир пиёла чой қўйиб, таъзим билан отасига узатди. Зухра хола кесатди:

— Хм, анави оймчангиз қўйса, қўли синадими? Бисмиллоҳ деб хотинига хизматор бўлиб олганини қара бун! Ўрслирнинг жодуси ўткир бўлади, деса ишонмасдим. Ё, парвардигор!..

Алижон онасини қулиб енгмоқчи бўлди:

— У ёқда юриб ниҳ қилувдим. Омон-эсон уйга борсам, уй кунгача дадам иккалангизга ўзим чой қўйиб бераман, деб. Ҳали келиннгизнинг қўлидан кўп чой ичасиз, ая.

Дастурхондаги қип-қизил бўрсилдоқ нонларга қараб, Ларисанинг қўзи уйнади. Оғзининг суви келди. Бир бурда нонга секин қўлини чўзди. Зухра хола шап эткизиб, унинг қўлига урди.

— Уятсиз! Катталардан олдин дастурхонга қўл чўзади-я! Ота-онаси тарбия бермаган экан-да.

Лариса қўрқиб, қўлини тортиди. Алижон унга онасининг гапини ўғирди:

— Биз томонларда катталардан аввал дастурхонга қўл узатилмайди. Одатимиз шунча, хафа бўлмаган.

Лариса йиғлагудек бўлди.

— Ахир, кечадан бери туз тотганим йўқ. Итдай очман, нима қилай? — деди қўлини силаб. Гулмат ота уруш йиллари ишчилар батальониди хизмат қилган, русчани оз-моз биларди. Ларисанинг «Голодная, как собака» дегани унга оғир ботди. Бир-икки бурда нонни келини тарафга суриб қўйди.

— Ол, қизим, кушат қил, — деди ва ўзи бир тишлам нон олиб еб қўрсатди. Лариса қўрқа-писа патирга қўл чўзди. Бу сафар Зухра хола унинг қўлига урмади.

Нонушта тугади. Гулмат ота ташқарига чиқиб кетди. Алижон билан Лариса дастурхонни йиғиштира бошлашди. Зухра хола Ларисанинг калта юбқасига қараб қўйиди ўрнидан туриб ичкари хонага кирди. Анчагача йўқ бўлиб кетди. Бир вақт яп-янги қўйлак-лозим олиб чиқиб, Ларисанинг олдида қўтди. Ўғлини жеркиб деди:


— Ойимчанга айт, думи юлинган товукча ўхшамай, мана буларни кийиб олсин. Табба!

Лариса кампирнинг гапини таржимонсиз ҳам тушунди. Қўйлак-лозимни кўтариб, ичкари кирди. Бироздан кейин қийиниб чиқди. Алижон унга махлиё бўлиб қолди. Ўзбекча либос Ларисанинг хусини очиб юборган эди. Қўйлак узун, этаги ерга тегай деб турарди. Лариса қийраллаб қолди, қорини силаб, ўзини томоша қилди. Зухра хола Ларисанинг қорнига разм солди. «Ҳеч балоси йўққа ўхшайди, худога шукур», деб қўйди ичида. Хола, «Барбир бир кун бу келиннинг думини тугиб, Алижонини қайта уйлаб қўяман» деган ниятидан қайтмаган эди.

(Давоми бор).

Шундан кейин...

УЗУМДАГИ ҚУВВАТ БИЛАН



АҚШнинг Техас штати университетини мутахассислари узум қўғумидан электр қуввати олишга муваффақ бўлдилар.

Бунинг учун биоэнергетик унсур деб аталган мўъжаз қурилмалардан фойдаланилди. У моддалар алмашинуви қувватини ўзлаштиради-ю, ҳеч қандай чиқит қилмайдими.

Тўғри, олинган ток ҳали жуда паст. Аммо, бу тажриба натижасида биоэнергетик унсурлар инсон танасидаги жараёнлардан ҳам қувват олиб ишлаши мумкинлиги маълум бўлди.

ПАРИЖ ТРАМВАЙ ТАРАФДОРИ




Франция пойтахтида тез орада замонавий трамвайлар қатнай бошлайди.

Қурилиш ишларини уч йилдан ошироқ давр мобайнида олиб бориш режалаштирилган. Трамвай йўлининг дастлабки йўналиши 7,9 километрни ташкил этиб, унда қўллаб бекатлар бўлиши назарда тутилмоқда.

«Яшиллар» ҳаракатидаги тарафдорлари қўллаб-қувватлашига умид қилган Париж мэри Бертрэн Деланоз ўз ҳамшахарларини автомобиллардан камроқ фойдаланишга даъват этмоқчи.


КЎЗИ МОШДЕК ОЧИЛДИ



Татаристонлик туғма ожиз фўқаролардан бирининг кўзи антика бир тарзда очилди.

27 ёшли Зинаида Личкова бошини кутулмаганда стол қиррасига уриб олди. У қўлидан тушиб кетган қошқини ангашиб, олоққоч бўлганди. Эртасига уй-қудан уйғонган, ёруғ ҳаётни аниқ кўра бошлаганини пайқайди. Шифокорлар бу қандай рўй берганини изохлай олмаёттирлар. Аммо, уларнинг таъкидлашича, 3. Личкованинг чап кўзи чиндан ҳам 80 фоиз ишлаб бошлаган.

«ҲАЁТ ИЛДИЗИ» ДАН САҚЛАНИНГ!



Ҳомиладор аёлларнинг женшендан тайёрланган воситаларни истеъмол қилиши хавфли.

Хитойлик тиббиётчилар ўзлари олиб борган тажрибалар натижасида шу хулосага келдилар. Мазкур илдимева таркибиди Rb1 гинсеноид бирикмаси ривождаги ҳомилага таъдид солар экан. Тўғри, тажрибалар каламушларда синалган. Аммо, мазкур муаммо узил-кесил ҳал этилгунга қадар, бўлажақ оналар туғилмак фарзандлари ва ўз саломатликларини хавф остига қўймаганлари маъқул, албатта.

АОО «Shiroupar» МЧЖга айлантирилди. Буйруқ № 213 — ҚПО. Даволатар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 46-72-94 телефон орқали қабул қилинади. Маъно: Табақлар шаҳараси, Чимбой қўчасида жойлашган «Доха-леб».

Биласизми?

Энг кучли вулқон портлаши Тинч океанидаги Кракатау вулқонидан юз берган дейишди. 1883 йилдаги мазкур портлаш тўққини 18 минг километр масофага тарқалган. Унинг кули зарралари эса, 50 километр баландликкача кўтарилган.

Ер юзидagi энг шўр кўл Туркиядаги Гюсгундак кўли экан. Унинг бир литр сувиди 380 грамм туз эритмаси мавжудлиги аниқланган.

Энг шўр денгиз эса, Исроилдаги Улик денгиз дейишди мутахассислар. Чунки, ундаги сув бошқа денгиздагиларга нисбатан 7,5 марта шўрроқ экан.

Қилмиш-қудирмиш

«БЕИЗ» ТУЁҚ БЎЛМАЙДИ

Бўстонлик туманида ярим тунда номаълум шахс уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланмоқчи бўлди. У Абай номли ширкат ҳўжалигида яшовчи Ойжон Назированинг молхонасидан бир беш буюқни «изсиз» йўқотмоқчи бўлди. Бирок, олиб боришдан тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни шу ҳўжаликда яшовчи 24 ёшли йигитча Дониёр Абдурашулов содир этганлиги аниқланиб, зийрак ҳодимлар томонидан ушланди ҳамда ундан ашёвий далиллар олинди.

Ушбу қинғир иш Дониёрни теров бўлимига етаклади.

СОХТА ИШОНЧ СОҲИБАСИ

Оққўрғон тумани Бешовул қишлоғида яшовчи, ишсиз, 18 яшир Нигора Холтўраева хўйла йўли билан Ибн Сино кўчаси, 3-уйда яшовчи пенсионер Рафиқа Жабборованинг ишончини қозониб, унинг 68 минг сўм пулини олиб, вақтида қайтариб бермади.

Натижада жабрланувчи профилактика нозирига хабар қилди. Тажрибали нозир тезда хўйлагарни ушлади.

Ҳозир у ўз қилмишига яраша жав